



07.02.2022 даги

"ODN ODIL STROY" MCHJ ва Учкургон туман МТБ Марказ ўртасида 495010688,00 сўм умумий суммага
тузилган 6171 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 251
Шахсий газна ҳисобварақ 100022860142347091100251087

2022 й. ойлар ном.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда Жами
	4232200			
Январь				
Февраль	495 010 688,00			495 010 688,00
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	495 010 688,00			495 010 688,00

Жами 495010688,00 сўм

Тўрт юз тўксон беш миллион ўн минг олти юз саксон саккиз сўм
00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 148503206,40 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
% ***20 ойда тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидаги таъинлашнинг бўлинмасининг исми тўғрисида тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойна % жорий ойнинг санагача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатини, алоқа хизматлари ва қонуни ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолатларида тўланилади).

Буюртмачи раҳбари

М.Ў.



(имзо)

Сиддикова Малика Орибжановна
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Жаъхпаров Шокиржон Абдухалимович
Ф.И.Ш.

Ҳазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

«__» 20__ й.

«__» 20__ й.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №-6171

“7” Феврал 2022 й

Учкургон тумани.

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилояти Учкургон туман МТБ номидан М.Сиддиқова, Низом асосида иш юритувчи. бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “ODN ODIL STORY” МЧЖ номидан Д.Обдинов Низом асосида иш юритувчи кўшма корхонаси раҳбари иккинчи томондан Наманган вилояти Учкургон туман МТБга қарашли 28-сонли МТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

I. Шартнома мазмуни.

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойиҳада кўзда тутилган Наманган вилояти Учкургон туман МТБга қарашли 28-сонли МТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятлари олади. Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов натижасида аниқланиб, танлов комиссиясининг (2022 йил “27” январдаги №20439 сонли) қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати жорий нархларда 495010688 (турт юз туксон беш миллион ун минг олти юз саксон саккиз минг) сўмни ташкил этади.

Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар эса бундан мустасно:

- ✓ қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлархажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- ✓ объектнинг қурилиши бирйилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

2.3. Қурилиш муддати бирйилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга кейинги йилларга шарномавий нархларни аниқлаш тириш амалдаги қонун ҳужатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув (битим) билан расмийлаштирилади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари.

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ барча ишларини мазкур шартномага ҳамда унинг иловасига мувофиқ ишчи сметада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва (ёки) жалб қилинган куч (субпудратчи)лар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ объектда техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкаларини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

✓ таъмирлаш давомида Буюртмачи томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилиш (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

✓ пудратчи тамонидан қуриб битқазилган объект ёки жорий таъмирлаш, иситиш тизими, катёллари бир йил мобайнида қайта таъмир талаб бўлган тақдирда пудратчи тамонидан таъмирлаб бериши шарт.

✓ пудратчига объект учун лойихада белгиланган курилиш материалларини буюртмачи тамонидан белгиланган тартибни бузиб, сифатсиз ёки бошқа материалларни ишлатган тақдирда пудратчи тамонидан алмаштириб берилиши шарт.

3.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи ҳамда ёлланган субпудратчилар билан биргаликда зарур тарзда бажарилиши ва ишларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириши учун Буюртмачи олдида тўлиқ ҳамда мулкый жавоб беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари.

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи:**

✓ мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ пудрат ишларни бажариш учун ярокли объектни таъмирлаш ишларини бошлаб тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича **Пудратчига** бериш;

✓ ишлар бажарилиши устида доимий назоратни ва мазкур шартномада қайд этилган **Пудратчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Пудратчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Пудратчининг** барча мурожаатларини ун кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Пудратчига** молиялаштириш жадвалига мувофиқ бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. Ишларни бажариш муддатлари.

5.1. Шартнома:

✓ миллий валюта «сўм»да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда—томонларуни имзолаган пайтдан бошлаб;

✓ миллий валюта «сўм»да, ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан сўнг.

5.2. **Пудратчи** мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.4. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2021 йил 31 декабр гача амал қилади.

VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

6.1. **Буюртмачи Пудратчига** шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг **30 фоизи: 148503206,4 (Бир юз киррк саккиз миллион беш юз уч минг икки юз олти) сўм киррк тийин** миқдорида аванс ўтказилади.

6.2. **Буюртмачи** томонидан **Пудратчига** жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш бўйича Ф-2 далолатнома асос ҳисобланади.

6.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишчи сметага мувофиқ, бажарилган иш учун Ф-2 далолатнома асосида тўлиқ амалга оширилади.

6.4. **Буюртмачи** мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, **Пудратчи** бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда **Буюртмачи Пудратчи** томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод этилмайди.

VII. Ишларини бажариш.

7.1. **Пудратчи** ишларни бажариш лойихасига ва ишчи сметага биноан объектларда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.2. **Пудратчи Буюртмачининг** манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларида майда четга чиқишларни **Буюртмачининг** розилигисиз амалга оширса ҳамда бу четга чиқишлар таъмирлаш сифатига таъсир этмаганлиги исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

VIII. Ишларни кўриқлаш.

8.1. **Пудратчи** ишлар бошланиб, таъмирлаш тугалангунгача ва таъмирлаши тугаланган

ишлар **Буюртмачи** томонидан қабул қилиб олингунга қадар материаллар асбоб-ускуналар, таъмирлаш техникаси ва бошқа мол-мулкни зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

8.2. Тикланган бинолар, иморатлар, шунингдек бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланишига **Буюртмачи** жавоб беради.

IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

8.3. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар ушбу қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда ўзайтирилади.

8.4. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Пудратчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай таъмирлаш чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.5. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. Шартномани бекор қилиш.

9.1. Буюртмачи:

✓ шартнома кучга киргандан кейин таъмирлаш ишларнинг бошланиши **Буюртмачига** боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра **Пудратчи** томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

✓ **Пудратчи** томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

✓ Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.2. Пудратчи:

✓ Ишларнинг бажарилиши **Пудратчига** боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра **Буюртмач** томонидан биройдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

✓ **Буюртмачи** томонидан молиялаштириш шарҳлари бажарилмаганда;

✓ Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилиниши талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.3. Шартном бекор қилинганда, **Буюртмачи** ва **Пудратчининг** қўшма қарорига кўра таъмирлаш ишлари тугалланган объект бир ой муддатда **Буюртмачига** топширилади.

Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини **Пудратчига** тўлайди.

9.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим-қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

9.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

9.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

X. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ Иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

✓ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" гива "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ҳамда амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган бошқа тартибда ҳам жавобгар бўлади.

10.2. Мазкур шартноманинг тегишли иловаларида кўрсатилган мажбуриятларга риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун **Буюртмачи Пудратчига** кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,4 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмагани ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши **Буюртмачини** шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган

зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун **Буюртмачи Пудратчига** ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган ишлар қийматнинг **15 фоизи миқдорида** жарима тўлайди.

10.4. **Пудратчи** объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун **Буюртмачига** муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги сабабли **Пудратчи Буюртмачига** сифатсиз бажарилган ишлар учун **20 фоизи** миқдорида жарима тўлайди.

Жарима тўлаш **Пудратчини** ишларни ёки хизматларни бажарилишини кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XI. Низоларни хал этиш тартиби.

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро хал эта олмасалар улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

11.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва шартноманинг барча нусхалари бир хил юридик кучга эгадир.

XII. Томонларнинг реквизитлари ва юридик манзиллари:

«БУЮРТМАЧИ»

Наманган вилояти Учқурғон туман
Мактабгачатаълим бўлими
(бюджетдан маблағолувчининг номи)

Манзил: Учқурғон ш. Дўстлик МФЙ 33-уй
Тел./факс _____
Л/С: 100022860142347091100251087
Банкнинг номи Ўз.Рес.Марказий банк
Бюджетдан маблағолувчи
СТИРи 305 150 879
Ҳазначилик бўлинмаси номи Учқурғон туман
бўйича Ҳазначилик бўлинмаси
Ҳазна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш
ХККМБ
МФО 00014
Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи 201 122 919

Рахбар
в.б. _____ М. Сиддикова
(лавозим) (Ф.И.Ш)


«ПУДРАТЧИ»

«ODN ODIL STORY
» МЧЖ

Манзил: Наманган вилоят Чортоқ туман
қароскон шаҳарча
х/р 20208000105114291001
Банк: Наманган ш трансбанк
МФО: 01060
ИНН: 306658007

ОКЭД:
Телефон _____

Вахбар: _____ Д. Обдинов
(лавозим) (Ф.И.Ш)



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI
TO'G'RISIDA HUQUQIY
X U L O S A


№ SR36045481

1. Loyihaning turi: Shartnoma.
2. Loyihaning nomi:
Binoni joriy ta'mirlash to'g'risida.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

"ODN ODIL STORY" MCHJ. Bilan 495.010.688 so'mlik tuman MTBga qarashli 28-MTT binosini joriy ta'mirlash to'g'risidagi pudrat shartnoma loyihasi Uchqo'rg'on tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 09.02.2022- yilda ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markazboshlig'i: B.Orzikulov.



10.02.2022 yil.